

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
“RESPUBLIKA АХБОРОТ-KUTUBXONA MARKAZI”  
УСТАВИ**

**Тошкент - 2015 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
Respublika axborot-kutubxona markazi  
УСТАВИ**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **Respublika axborot-kutubxona markazi** Устави (бундан буён матнда “Устав” деб юритилади) ушбу Марказнинг мақсад ва вазифаларини, ҳуқуқ ва жавобгарлигини ҳамда ташкил этилишини белгилайди.

Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (бундан буён матнда “Вазирлик” деб юритилади) **Respublika axborot-kutubxona markazi** (бундан буён матнда “Марказ” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 18 июлдаги “Республика ахборот-кутубхона маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 213-сон буйруғи асосида ташкил этилган.

1.2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиси Сенатининг ва Қонунчилик палатаси қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлик ҳайъатининг қарорлари, буйруқ ва фармойишларига, шунингдек, мазкур Уставга амал қилади.

1.3. Марказнинг давлат тилидаги тўлиқ номи қуйидагича ифодаланади:

**“Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Respublika axborot-kutubxona markazi”**

1.4. Марказнинг юридик манзили – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 7- уй.

1.5. Ташкилий ҳуқуқий шакли – давлат муассасаси.

1.6. Марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб юридик шахс сифатида фаолият юритади.

1.7. Марказ номуайян муддатга фаолият юритади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилади ва қайта ташкил этилади.

1.8. Марказнинг моддий-техника базасини (таъминотини) таъминлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Республика бюджети, Вазирлик, ҳомийлик ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда ажратган пул маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбаалардан тушган даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

Жумладан, ижодий маҳсулотни сотиш, хизмат фаолиятининг бошқа турлари ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағ ҳам даромад сифатида Марказнинг молиялаштириш манбаини ташкил этади ва унинг моддий-техника таъминотини таъминлашга йўналтирилади.

1.9. Марказ ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Марказнинг мол-мулки асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек, қонунларда белгиланган тартибда сотиб олинган мол-мулк ва банк ҳисобларидаги маблағлардан иборат. Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобанади ва марказ ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

1.10. Марказ ўз балансига, банк ҳисоб рақамига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **2. Марказнинг асосий вазифалари**

Марказнинг асосий вазифалари:

2.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга нисбатан тизимли бошқарувни амалга ошириш;

2.2. Ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш муносабатларини тартибга солиш;

2.3. Аҳоли кенг қатламларини ҳамда таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини ахборот-кутубхона марказлари орқали замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам ва мустақил равишда билим (таълим) олишига кўмаклашиш;

2.4. Замонавий талабларни ҳисобга олиб ахборот-кутубхона марказлари (кутубхоналар) тармоғини такомиллаштириш. Жамиятнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий

кадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот тизимини барпо этиш, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

2.5. Ахборот-кутубхона марказларининг кутубхона фондлари негизида электрон кутубхоналарни ва электрон ахборот ресурсларни яратишда ҳамда уларни Интернет тармоғига уланишида амалий ёрдам кўрсатиш;

2.6. Ахборот-кутубхона марказларини услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

2.7. Ахборот-кутубхона марказларида универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа турдаги)дан иборат бўлган фондларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш ҳамда фондларни мунтазам равишда тўлдириб бориш;

2.8. Китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ташқари ахборот технологиялари асосида хизматларини қўллаш ва жаҳон илмий-таълимий ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш;

2.9. Ахборот-кутубхона марказлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

2.10. Ахборот-кутубхона марказларининг низомлари ва ходимлар штат жадвалини тасдиқлаш;

2.11. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, тегишли муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

2.12. Ахборот-кутубхона марказларидан ўрнатилган тартибда тегишли ҳисоботларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бошқа вазифаларни бажаришдан иборат.

### **3. Марказ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

3.1. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ахборот-кутубхона марказларидан, Вазирлик тасарруфига кирувчи акциядорлик компаниялар, жамиятлар, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан Марказ ваколатига тааллуқли масалаларга оид зарур ахборотларни сўраб олиш;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Вазирликга таклифлар киритиш;

Матбаа ва ноширлик фаолиятини олиб бориш, жумладан ахборот-кутубхона фаолияти, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид масалалар, янгиликлар, янги технологияларга тааллуқли касбий ва ахборот нашрлари, илмий-методик материаллари, илмий ишлари ҳамда реклама маълумотларини чоп этиш ва тарқатиш;

Бошқа ахборот-кутубхона муассасалари каби Ўзбекистон ахборот-кутубхоначилиқ фаолиятига оид бўлган қонуний ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

Ахборот-кутубхоначилиқка оид халқаро конференция, симпозиум ва бошқа тадбирларда қатнашиш, ҳамда чет эл ҳамкорлари билан ахборот-кутубхона иши фаолиятини турли йўналишлари бўйича қўшма шартномалар тузиш;

Турли тоифали китобхонларга электрон каталог, маълумот базалари билан ва интернетда ишлаш асослари бўйича семинар ва лекциялар уюштириш;

Ахборот-кутубхоначилиқка оид турли хил ўқув курсларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

Марказ балансидаги автомобиллар, техника воситалари, бино ва иншоотларни ижарага бериш, шартнома асосида бошқа юридик ташкилотларнинг босма нашрларини рақамлаштириш;

Марказ ўз таркибида қонунчилиқка мувофиқ филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳамда хўжалиқ жамиятлари ва чет эл жамоа бирлашмалари, ташкилотлари, корхоналари таркибига кириш ва улар билан шартнома асосида, тижорат фаолияти турлари билан шуғулланиш (шу жумладан. жисмоний шахслар билан ҳам);

Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун Вазирлик билан келишган ҳолда тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

Марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

3.2. Марказ ўз фаолияти давомида қонун устуворлиги принципида иш юритиш, унга юкланган асосий вазифаларни, юқори давлат бошқарув органлари топшириқларини талаб даражасида бажариш, шунингдек, ўз номидан тузган битим ва шартномаларнинг ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлаш учун жавобгардир.

#### **4. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

4.1. Марказ фаолиятини бошқариш тартиби ва умумий назорати юқори давлат бошқарув органи сифатида Вазирлик томонидан амалга оширилади.

4.2. Марказни Вазирлик буйруғи билан лавозимига тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошқаради.

Марказ директорини лавозимига тайинлаш вақтида у билан меҳнат шартномаси тузилади ва унда директорнинг вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги белгиланган бўлади.

4.3. Марказ директори:

Марказ фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва Марказга юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича буйруқлар ва Марказ ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий булган фармойишлар чиқаради ҳамда тегишли кўрсатмалар беради;

Қонунга асосланган ҳолда Марказнинг мулки ва маблағларини бошқаради, шартномалар тузади, ишончнома беради ва банкларда ҳисоб рақамларни очади;

Марказ номидан ишончномасиз барча ташкилот ва муассасалар билан унга берилган ваколатлар доирасида битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Марказ ходимлари ва ахборот-кутубхона марказлари директорларини (Вазирлик раҳбарияти билан келишган ҳолда) лавозимига тайинлайди, лавозимидан озод қилади ва ротация қилади;

Ўрнатилган тартибда мавжуд тариф коэффицентлари асосида ходимлар учун иш ҳақи фонди ва ходимлар штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда ойлик иш ҳақи ва иш ҳақига кўшимча устамалар миқдорини белгилайди;

4.4. Марказ қошида Илмий-методик кенгаш ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи органи сифатида иш юритади.

Илмий-методик кенгаш таркибига Марказ директори, тизимида ахборот-кутубхона муассасалари мавжуд бўлган идора ва вазирликларнинг вакиллари, етакчи мутахасислари, ҳамда Марказнинг етакчи ходимлари, ахборот-кутубхона марказлари директорлари аъзо бўлиб кириши мумкин;

Илмий-методик кенгашнинг раиси - Марказ директори, масъул котиб-кенгаш аъзоларидан биридир;

4.5. Марказ ўз фаолияти натижалари бўйича мунтазам равишда Вазирликга ҳисобот беради.

## **5. Марказнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши**

5.1. Марказнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**Директор**

**Абдуазизов Алишер Абдушукурович**